



20 20у « 9 » апрель

№ Қ-160

« ___ » _____ 20__ г

**Жарқўрғон тумани “Қуштепа” маҳалласи
худудидан юқори босимли газ қувурини
Дўстлик маҳалласи худудига тортиш
учун “MAX JASURBEK” хусусий
корхонасига ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 16 мартдаги 03-02/148-сонли йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 13 февралдаги 29/05-29-сонли хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 16 мартдаги 03-02/148-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Қуштепа” маҳалласи худудидаги алоҳида саноат корхоналари учун қурилган газ тақсимлаш коллекторидан юқори босимли газ қувурини “MAX JASURBEK” хусусий корхонасига Қуштепа, Ўзбекистон ва Дам маҳаллалари худудидан Дўстлик маҳалласи худудига тортиш учун қишлоқ хўжалик харитасининг 373қ, 383қ, 373ақ, 392қ, 405ақ, 406ақ, 402қ, 791қ, 792қ, 789қ, 800қ, 780қ, 4ақ, 14ақ, 16қ, 16ақ ва 27-дала контурларидан жами 0,95 гектар шундан, 0,34 гектар яйлов ва 0,61 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар билан банд бўлган (4735х2м узунликдаги) ер майдонларини доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “MAX JASURBEK” хусусий корхонасига юқори босимли газ қувурини тортиш учун ажратилаётган 0,34 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 051 945 (олти миллион эллик бир минг тўққиз юз қирқ беш) сўм Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР:201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминлансин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон туман ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов